

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2024 йил октябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ғ.Негматов, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримқулов, судланувчи Э.Тухтаев ва унинг ҳимоячиси Ургут туманидаги “Қақнус” адвокатлик бюроси адвокати С.Нуруллаев ҳамда жабрланувчи Б.Ахмедовларнинг иштирокида, Тухтаев Элбек Эргаш ўғлига нисбатан 1-1416-2401/394-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Тухтаев Элбек Эргаш ўғли (Tuxtaev Elbek Ergash o'g'li), 1991 йил 28 сентябрь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, муқаддам судланмаган, Ургут туманидаги “Тухтамурад Миришкор Жозмон” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлайди, Ургут тумани “Жозмон” маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 16.09.2024 йилда олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, очик суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзлари, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Тухтаев Элбек Эргаш ўғли 2024 йил 16 август куни соат тахминан 23:30да Ургут тумани “Жозмон” маҳалласи ҳудудидан утувчи ички йўлда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз фуқаро Ахмедов Бунёдjon Бахриллоевични тўхтатиб танасининг турли қисмларига қўл ва оёқлари билан ураётган вақтида фуқаро Ахмедов Бегзод Бахриллоевич келиб уларни ажратмоқчи бўлганида, Э.Тухтаев безорилик ҳаракатини олдини олиш чорасини кўрган Ахмедов Бегзод Бахриллоевични ҳам ҳеч бир сабабсиз танасининг турли қисмларига қўл ва оёқлари билан уриб, унга энгил шикаст ектказиб, воқеа жойидан кетиб қолган.

Ургут туман суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 22 август кунидаги 410-сонли хулосасига кўра, фуқаро Б.Ахмедовнинг танасида яъни “бўйин соҳасида шилинма, кўкрак қафасининг олдинги юзаси соҳасида қонталаш, ўнг елка соҳаси юмшоқ тўқималарининг лат ейиши” каби тан жароҳатлари мавжуд бўлиб, оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига олиб келмаган “енгил тан жароҳатлари” гуруҳига киришлиги кўрсатилган..



Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Тухтаев Элбек Эргаш ўғли қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 16 август куни соат 23:39ларда укаси О.Тухтаевнинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли, 30 J 282 ХВ давлат рақамли автомашинада ўзи яшаб келаётган Ургут тумани “Жозмон” маҳалласи ҳудудидаги фермер хўжалигининг дала ер майдонига сув қўйиш учун маҳалла кўчасидан ҳаракатланиб келишида, қарама-қаршидан “Кобальт” русумли автомашина узоқни ёритувчи чироқлари билан ҳаракатланиб келганлиги сабабли укаси бир неча маротаба кўзи қамашганлиги тўғрисида огоҳлантирувчи чироқларни ёққанлиги, бироқ “Кобальт” русумли автомашина ҳайдовчиси огоҳлантиришга эътибор қаратмасдан, узоқни ёритувчи чироқлар билан ҳаракатланиб келиб йўл четидаги дўкон олдида тўхтагач, у ҳам укасига автомашинани тўхтатишни айтиб, “Кобальт” русумли автомашина ҳайдовчисини олдига бориб, унга узоқни ёритувчи чироқларни ўчирмасдан ҳаракатланганлигини айтиб, қўпол гапириб юборганлиги ҳамда иккаласи тортишиб қолганлиги, тортишув вақтида унинг қўли ҳайдовчининг қўлига тегиб кетганлиги, автомашинада икки нафар аёл кишилар ҳам бўлганини, ҳайдовчи спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини билганлиги, тортишув вақтида ҳайдовчи тиззаси билан уни тепмоқчи бўлганида тиззаси оёғига текканлиги, шу атрофдагилар уларни ажратиб қўйганлиги, шундан сўнг ҳайдовчи Ахмедов Бунёд эканлигини билганлиги, Б.Ахмедовни маҳалладоши Обидни таниганлиги сабабли унга қўнғироқ қилганида Обид унга Б.Ахмедов доимо маст бўлиб юришлигини, уни уйига жўнатиб юборишни айтганлиги, шундан сўнг Б.Ахмедов нотўғри ҳаракатланганлигини айтиб кечирим сўраганлиги, шу вақтда бошқа автомашинада Б.Ахмедовнинг акаси Ахмедов Бегзод келиб, у билан қўполашиб кетгач, иккаласи тортишиб қолишганлиги, бироқ Ахмедов Бегзодни урмаганлиги, атрофдаги кишилар уларни ажратгач у дала майдонига сув қўйиш учун кетганлиги, тахминан икки соатлардан сўнг ИИБ ходимлари келишиб, уни ИИБ биносига олиб кетишганлигини, ҳозирги вақтда қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Э.Тухтаев суд мажлисида унга қўйилган тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби судда сўралган жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Ахмедов Бегзод Бахриллоевичнинг, 2024 йил 16 август куни соат 23:30ларда Ургут тумани “Этак Бешкапа” маҳалласида ҳудудидаги ижарага олган ер майдонидаги экинларни суғориш мақсадида бораётганида укаси Ахмедов Бунёд қўнғироқ қилиб, Ургут тумани “Жозмон” маҳалласи ҳудудида бир шахс “Ласетти” русумли автомашинасида уни тўсиб тўхтатиб, ураётганлигини айтгач айтилган манзилга етиб келганида мукаддам нотаниш бўлган Э.Тухтаев кўчада укаси Ахмедов Бунёдни ёқасидан ушлаб, танасининг турли қисмларига ураётганлигини кўриб, унга нима учун укасини ураётганлигини сўраганида ва укасини ажратмоқчи бўлганида, Э.Тухтаев энди у билан гаплашишлигини айтиб, уни ҳам танасининг турли жоларига қўл ва оёқлари билан уриб-дўппослаб кетганлиги, атрофда бўлган одамлар уларни ажратишга ҳаракат қилганида уларни ҳам ажратишларига тўсқинлик қилганлиги, Э.Тухтаев уларни



урганлигини укасининг турмуш ўртоғи ва фарзанди ҳам кўриб турганлиги ҳамда ҳолатдан кўрқиб қолишганлиги, жанжал вақтида у Э.Тухтаевни ҳақорат қилмаганлигини баён қилиб, Э.Тухтаевга нисбатан даввоси борлиги, унга қонуний жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Ахмедов Бунёджон Бахриллоевичнинг, 2024 йил 16 август куни соат 23:30ларда Ургут тумани “Этак Бешкапа” маҳалласида яшовчи опаси Ахмедова Мастурани уйдан турмуш ўртоғи Худойбердиева Шохсанам ва вояга етмаган фарзандларини олиб, Ургут тумани “Жозмон” маҳалласи худуддан ўтувчи йўл орқали ўзининг бошқарувидаги “Кобальт” русумли автомашинасида кетаётган вақтида Э.Тўхтаев бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашинасида йўлини тўсиб тўхтатиб, автомашина эшигини очиқ ойнаси жойидан бошини автомашина салони ичига киритиб, нима сабабдан кечаси бу йўлдан юраётганлигини, бу маҳаллада нима қилиб юрганлигини айтиб, уни қўллари билан уриб кетганлиги, шунда у акаси Ахмедов Бегзодга кўнғироқ қилиб, уни бир киши ураётганлигини айтаётган вақтида Э.Тухтаев уни кўлида бўлган телефон аппаратини тортиб олиб қайтариб берганлиги, бироз вақтдан сўнг акаси Ахмедов Бегзод келиб, Э.Тухтаевга нима сабабдан укасини ураётганлигини сўраганида Э.Тухтаев унга сен ким бўласан деб уни ҳам қўллари ва оёқлари билан танасининг турли жойларига уриб кетганлиги, ҳолатни кўрган, автомашина салонидан бўлган турмуш ўртоғи ва фарзандлари кўрқиб, йиғлаб қолишганлиги, Э.Тухтаев уни автомашинасини оёқлари билан тепиб, шикатс етказганлиги, Э.Тухтаев судда ёлғон кўрсатув берганлиги, у ёки акаси Э.Тўхтаевни ҳақорат қилишмаганлиги ёки уни уришмаганлигини ҳақидаги берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Худойбердиева Шохсанам Бахри қизи, Ахмедов Анис Бунёджон ўғли гувоҳ Ахмедов Бунёджон Бахриллоевичнинг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатувлари билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Эргашев Шокир Равшан ўғлининг, 2024 йил 16 август куни соат 23:00ларда Ахмедов Бегзод ижарага олган, Ургут тумани “Этак Бешкапа” маҳалласи худудидаги экин майдонларига Б.Ахмедов ва Қ.Мардиевлар билан биргаликда сув қўйиб туришган вақтида Ахмедов Бегзоднинг укаси Ахмедов Бунёд кўнғироқ қилиб, Ургут тумани “Жозмон” маҳалласи худудида нотаниш шахс автомашинасини тўхтатиб ураётганлигини айтгач, воқеа жойига боришганларида Ахмедов Бунёднинг автомашинаси олдида “Ласетти” русумли автомашина йўлни тўсган ҳолатда турганлигини, муқаддам нотаниш бўлган Э.Тухтаев шовқин кўтарган ҳолатда Ахмедов Бунёдни уриб ётганлигини кўрганлиги, Ахмедов Бегзод Э.Тухтаевнинг олдида бориб, нима сабабдан укасини ураётганлигини сўраганида Э.Тухтаев Ахмедов Бегзодни ҳам уриб кетганлиги ва уни ажратмоқчи бўлган шахсларни ўзига яқинлаштирмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Мардиев Қахрамон Қосимовичнинг гувоҳ Эргашев Шокир Равшан ўғлининг кўрсатувиغا ўхшаш берган кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи Э.Тухтаевнинг айби, дастлабки тергов ҳужжатлари билан, яъни, билдирги, тиббий маълумотнома, тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертизанинг 410, 411-сонли хулосалари, “CD” дискни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома, ашъвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, юзлаштириш баённомаси, сўроқ баённомалари,



жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин” деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Э.Тухтаевнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи Э.Тухтаевнинг безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўрган шахсни уриш-дўппослаш, қасддан баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Тухтаев Элбек Эргаш ўғлининг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Тухтаев Элбек Эргаш ўғлига жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини инobatга олиш билан бир қаторда, жабрланувчининг даъвоси борлигини, унга қонуний жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берганлигини, содир этган қилмиш ҳаракатини жамият учун ҳавфлилик даражасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган талабларидан келиб чиқиб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг**



муқаррарлиги принципларига амал қилиб, Э.Тухтаевнинг айбини энгиллаштирувчи ҳолатларини, жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини, шунингдек жабрланувчининг даъвоси мавжудлигини, унга қонуний жазо тайинлашни сўраб турганлигини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган хулосага келиб, бироқ айбини энгиллаштирувчи ҳолатларини, пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини қилмишни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирвчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо муддатига тайинлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириб, суд залидан қамокқа олишни ҳамда жазони манзил колонияларида ўташни белгилашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Б.Ахмедовга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Суд, шунингдек жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “CD” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни ҳамда ҳукмнинг қарор қисмида такрор кўрсатиб ўтмасликни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-476-моддаларини қўллаб, -

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Тухтаев Элбек Эргаш ўғли (Tuxtaev Elbek Ergash o‘g‘li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин.

Тухтаев Элбек Эргаш ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил колонияларида ўташ белгилансин ҳамда жазони ўташ муддати 2024 йил 29 октябр кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Тухтаев Элбек Эргаш ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамокқа олинсин.

Жабрланувчи Б.Ахмедовга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, белгиланган муддат ўтгач эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришига ҳақли.

**Раислик қилувчи судья:
“Нусхаси аслига тўғри”**

имзо

Ғ.Негматов

